



20 20 у. « 10 » сентябрь

№ Қ-454

« » 20 г.

Термиз тумани “Қорахон” маҳалласи
худудидан “Shahrokh” МЧЖга
“Интенсив боғдорчиликни ташкил
этиш” учун ер майдони ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 июлдаги 05-02/465-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 27 майдаги 224/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 июлдаги 05-02/465-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Қорахон” маҳалласи худудидан “Shahrokh” МЧЖга “Интенсив боғдорчиликни ташкил этиш” учун туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 55, 56, 57, 90қ, 91, 92, 93, 94, 135, 136, 137, 138, 139, 140, 141 ва 142-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 37,5 балл бўлган жами 100,1 гектар, шундан 16,3 гектар суғориладиган экин ер, 81,2 гектар яйлов, 0,3 гектар ариқ ва зовурлар ҳамда 2,3 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонларини доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов